



Buxoro viloyat
hokimligi

AHMAD IBN HAFS KABIR BUXORIY MEROSI VA UNING ILK SHARQ RENESSANSI HAMDA ISLOM FALSAFASI ILMIY NAZARIY ASOSLARINI YARATISHDAGI O'RNI VA AHAMIYATI

mavzusidagi xalqaro
ilmiy-amaliy anjumani

16-17 iyun Buxoro shahri



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ
МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛҚ ШАРҚ
РЕНЕССАНСИ ҲАМДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
ТЎПЛАМИ**

2022 йил 16-17 июнь

Бухорои шариф – 2022

Аҳмад ибн Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ва Ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти / халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. 16-17 июнь 2022 йил.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бобир Бахриевич НАМОЗОВ – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

Ҳакима Юсуповна САЛОМОВА – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

Абдуҳаким Зиёитдинович ШАРИПОВ – Бухоро давлат университети ҳузуридаги Педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

Ҳусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Зубайдилло Ибодиллаевич НАРЗИЕВ – Бухоро давлат университети Сиртқи таълим йўналиши декани, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ҳурматли мақола ва тезис муаллифлари!

Тўпламга киритилган мақолаларнинг савияси ва камчиликлари, плагиат учун муаллифларнинг ўзи масъул ҳисобланишини эслатамиз.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 мартдаги 101-Ф-сон фармойишига асосида
ўтказилмоқда.

3. Ёшларнинг билими ва тажрибаси қанча кўп бўлса, уларга четдан туриб таъсир қилиш имконияти шунча кам бўлишини инобатга олиб, ёшларнинг интернетдан фойдаланиш борасидаги билимларини доимо ўстириб бориш.

4. Миллий uz доменидаги тармоқлар ва сайтларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрнини ошириш мақсадида уларга турли ижтимоий имтиёзлар бериш ва бу орқали ёшларни жалб қилишга эришиш.

5. Интернетдан самарали фойдаланиш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси ва миллий имкониятлардан келиб чиқиб, таълим муассасалари, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар учун “Интернет истеъмоли саводхонлиги ва маданияти” ўқув курслари, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этиш ва хоказолар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маънавият юлдузлари.– Т.: Абдула Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001й. 244-б.
2. Ёўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. -102 б.
3. www.Ziyonet.uz

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИНСОНДА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Беҳзод Бахтиёрович ДЕҲҚОНОВ

Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа” кафедраси таянч докторанти

Аннотация: Мақолада Тасаввуф таълимотининг негизида эзгуликка, савоб ишларни қилишга даъват, халқнинг ғам-ташвишларини камайтириш билан боғлиқ ҳаракатлар ётади. Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигани намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тасаввуф, инсон, бағрикенглик, қадр-қиммат, маънавият, инсоф-диёнат, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват, саҳийлик.

Ўзбекистон халқи кўпни кўрган, елкасида тарих синовларини, ижтимоий ҳулосасини елкалаган, ўзига ҳам ўзгаларга ҳам тинчлик, осойишталик, фаровон ҳаётни тилаб келган, шу ниятда бутун инсоният цивилизацияси ривожига ҳисса қўшган халқ. Бугун халқимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ўзининг ана шу эзгулик байроғини қўлидан туширгани йўқ. Бутун дунёда буюк аждодларимизга ҳурмат эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Бунинг тасдиғини мамлакатимизда халқ фаровонлигини таъминлашда ва турли миллатларни аҳил ва тотув бўлиб яшашларида Тасаввуф таълимотининг ўрни ва бу орқали халқимизда шаклланиб келган бағрикенгликни асосий ўрин тутаяди.

Тасаввуф таълимотининг негизида эзгуликка, савоб ишларни қилишга даъват, халқнинг ғам-ташвишларини камайтириш билан боғлиқ ҳаракатлар ётади. Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигани намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқот вужудга келтиради. Бағрикенглик турли - туманликдаги бирликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир.

Тарихга бир назар ташласак, тасаввуф - узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, унинг ижтимоий тафаккури эзгу ғоялар асосида шаклланишига хизмат қилиб келган диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат таълимотдир.

Минтақа санъат ва маданияти, адабиёт ва фалсафий фанлари ривожда унинг таъсири бекиёс.

Бугунги кунда тасаввуф таълимотининг тарихий шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш, тасаввуф адабиётини холисона ўрганиш баробарида унинг бугунги глобаллашув шароитида инсонлар ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат тасаввуф таълимотининг тўғри талқини бир жиҳатдан турли мутаассиб экстремистик ғояларга қарши туришга хизмат қилса, унинг нотўғри талқини турли тариқатчилик ҳаракатларига асос яратиб беради. Узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилган Мовароуннаҳр тасаввуф таълимоти XVIII асрдан бошлаб ислом мамлакатларида мутаассиб ғоялар асосида шаклланиб, бугунга қадар тобора авж олиб бораётган салафийлик, жиҳодчилик ҳамда бошқа оқим ва ҳаракатларга қарши туришда маънавий тўсиқ вазифасини бажариб келган. Мовароуннаҳр тасаввуфи бошқа юрт тасаввуф таълимотларидан ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва йўналишлари, усул ва услубияти билан фарқланиб турган. Зеро, тарихан Турон заминида шаклланган бағрикенглик тамойилларига йўғрилган ўлка тасаввуфи асрлар давомида турли дин, миллат ва маданият вакиллари ёнма-ён тотув яшаб келишларига ўз хиссасини қўшиб келган.

Айниқса, Мовароуннаҳрдаги йирик тариқат ҳисобланган нақшбандияни бошқа тариқатлардан фарқлаб турувчи, таркидунёчилик эмас, ижтимоий фаол ҳаёт тарзига ундовчи “Дил ба ёру, даст ба кор” шиори остида шаклланган илмий-маънавий меросини диққат билан ўрганиш қадриятларимизга юксак эътибор берилаётган бир вақтда жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу улуғ зот жуда камтарин, тавозели, ниёзманд бир инсон бўлганлар. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол лўқма истеъмолига жуда катта эътибор берганлар. Доимо ҳар бир нафасда одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, йўллар, сувлар ва бутун борлиққа эзгу иш қилишга шошилганлар. Айниқса муҳтож, мискин, бемор, мушкул вазиятда қолган ва ҳеч ким эътибор қилмайдиган одамларга ёрдам қўлини чўзганлар.

Йўллардан одамлар юришига халақит берадиган нарсаларни олиб ташлаб, доимо ерларни тоза тутишга ҳаракат қилганлар.

Баҳоуддин бу хизматларни розилик, шукроналик, ниёзмандлик ҳолатида бажарганлар. Одамлар, ҳайвонлар, ўсимлик ва жонсиз борлиқ манфаати у киши учун ўзларининг манфаатидек бўлган. Бировнинг шодлигини ўз шодликларидек қабул қилганлар. Барча эзгу ишларни холис, пок ният билан, Аллоҳ ризолиги учун, завқу шавқ, миннатдорлик ҳиссиёти билан бажарганлар. Бинобарин, нақшбандия тариқатида юксак маънавий мезонлар, инсоний фазилатлар ҳақидаги таълимотнинг кундалик ҳаёт ва оддий инсонлар турмуш тарзига яқинлаштирилгани унинг тадрижий тараққиётига ҳамда ҳар қандай замон ва маконга мос келишига. замин яратган дейиш мумкин.

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди. Гап шундаки, ҳазрати Муҳаммад а.с. вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса, халифа Усмон замонида бойликка ружу, қимматбаҳо тухфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Умавия халифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдаба безаклар, олтин-қумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади, ва бу орқали инсонларда бир-бирига нисбатан эмас аксинча молу-дунёга интилиш кучайиб боради.

Тасаввуф - исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот. Тасаввуф сўзининг ўзаги ва мазмуни ҳақида олимлар турли фикр ва тахминлар билдиришган. Улар ичида Ибн Халдуннинг фикри ҳақиқатга яқин деб эътироф этилган. У “Муқаддима” асарида тасаввуф “сувф” - “жун”, “пўстин” сўзидан олинган бўлиши керак, зеро қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу билан улар башанг кийиниб юрувчи ахли дунёлардан фарқли

ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар, дейди. Бу жараён инсонлар ўртасида бағрикенгликни шаклланишида катта аҳамият касб этган.

Кўп маданиятларда “бағрикенглик”, “толерантлик” тушунчаси ўзига хос “чидамлилиқ” тушунчаси билан синонимдир: лот-толерантиа- чидамлилиқ; инг-толерансе, толератион, немисча-толеранз, фран- толерансе. Фалсафий фикрни тарихий маданий яралиши ва ривожланиши даврида бағрикенглик категориялари ўзгаришларга учради. Бу албатта табиийдир, чунки жамиятнинг ўзи ўзгарди, етакловчи ғоялар ҳам ўзгариб борди.

Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан ҳамоҳанг, у ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр - тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон - эътиқотидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг эътиқодига ён беришни англамайди. У шуни англатадики, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. У яна шуни англатадики, одамлар ўз табиатига кўра ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатдан фарқланиши эътирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидир, бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тасаввуф ислом шариати талабларини ҳам ихлос билан бажарган ҳолда зухд, тақво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Шу ўринда тасаввуф фалсафасида комил инсоннинг асосий сифатлари ва мезонлари ҳақида шундай дейилади. Комил инсон илоҳий сифатлар соҳиби, инсоннинг огоҳлик мақомида бўлиши, яъни мудом уйғоқ бўлиши, ғафлатни умуман йўқотиши, кечиримлилиқ, инсонларни аҳил бўлишига ёрдам бериш, айбларини ёпиш хислати, бағрикенглик фазилатга эга бўлиш, карамли инсон бўлиш, қалб кўзи ва қалб қўлоғи билан эшитиш каби илоҳий сифатларга эга бўлиш, зоҳир ва ботинда уйғун бўлиш, вақтни қадрлай оладиган, барча имкониятларни воқеликка айлантира оладиган чуқур билим ва тажрибага эга бўлган, зоҳирий илми нур ва ботиний илми аъло сифатларга эга бўлиш, машғуллик ва фориғликни ҳаётини шиорларга айлантирган, хушёрлик мақомига етган сифатлар комил инсон руҳий-маънавий камолотининг мезонларидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004.
2. Улуғ авлиё. Шайх Худойдои Вали. –Т.: Ўзбекистон. 2017.
3. Жалолиддин Румий. “Маънавий маснавий”. Таржимон. Жамол Камол. –Т.: “MIRIVLIS”, 2010.
4. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2013.

ДУХОВНЫЙ МИР ДЖАЛАЛАДИНА РУМИ

Гулшари Хамдамовна ШАРИФОВА

кандидат филологических наук, доцент, Таджикского педагогического института в городе Пендженке

Джалаладдин Руми — величайший поэт-суфий, «танцующий поэт», живший в XIII веке на территории Малой Азии, основатель и духовный вдохновитель суфийского ордена Мехлеви. Последователи его учения дали ему имя Мавлана («Наш господин»), считая Руми своим духовным наставником.

Мавлана Джалал ад-Дин Мухаммад Руми родился в Балхе (ныне на территории Афганистана) 30 сентября 1207 года. Из-за нашествия Чингисхана его отец, выдающийся ученый-богослов, эмигрировал с семьей в Малую Азию, в Конийский султанат Сельджукидов (в 1220 г.). Здесь поэт получил духовное образование и, подобно отцу, был руководителем медресе и проповедником. Согласно преданиям, вошедшим в книгу «Сто рассказов мудрости» (своеобразное «житие» Руми), чудеса, сверхъестественные явления,

Аҳмад ибн Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ва Ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти

Равшанова Г.М.	Ёшлар онгида умуминсоний қадриятларни шакллантиришда замонавий таълим-тарбия ва ахборот технологияларнинг ўрни.	456
Дехқонов Б.Б.	Тасаввуф таълимотининг инсонда бағрикенгликни шакллантиришда тугган ўрни	458
Шарифова Г.Х.	Духовный мир Джалаладдина Руми	460
Izzatullayeva G.N.	Abu Ali Ibn Sina's Philosophical Views As Heritage Of The World	464
Urazmetov M.T.	The Religious-Philosophical Concept Of Suleyman Bakirgani	468
Шарипов А.З.	Янги Ўзбекистон: мамлакатнинг маънавий қиёфасини шакллантириш ва маърифий жамият барпо этишнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларига доир мулоҳазалар.	471
Кўшшаева Н.М.	Мухаммад Назар Болтаев	476
Шокиров М.Р.	Тарихий тадқиқотларда тарихийлик ва мантиқийлик методларининг аҳамияти	479